

"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
барча овоз берувчи оддий акциялари
Ягона акциядорининг
2023 йил 11 августдаги
13/11-5-сонли қарори билан

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ
ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент шаҳри - 2023й.

МУНДАРИЖА

I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II.	ТАРИФЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР.....	3
III.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТЎЛАШ МУЗОНЛАРИ.....	3
IV.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТЎЛАШ МАНБААЛАРИ.....	4
V.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ.....	4
VI.	КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТЎЛОВЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ.....	6
VII.	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	6

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат Кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида ҳусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202-сонли Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сонли қарорига ва “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) Уставига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пулини тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарорлари асосида амалга оширилади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига нисбатан мукофот тўлашнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкин.

II. ТАЪРИФЛАР ВА АТАМАЛАР

2. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширадиган орган. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Кузатув кенгаши аъзолари – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ва жамият Уставига мувофиқ тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадиган шахслар.

Мукофот – функция ва вазифаларни бажариш билан боғлиқ тўловлар ёки харажатларни қоплаш.

МҲТЭЖМ – Ўзбекистон Республикасида белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТўЛАШ МЕЗОНЛАРИ

3.1. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этиш;

- мустақил ташкилот томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари;

- Жамият йиллик Бизнес режасининг асосий кўрсаткичларини, шу жумладан соф фойда олиш кўрсаткичини бажарилиши;

3.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан қўшимча мезонлар ҳам белгиланиши мумкин.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТЎЛАШ МАНБААЛАРИ

4.1. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш манбаалари Жамиятнинг маблағлари ҳисобланади.

4.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чоракда тўланадиган мукофотнинг умумий миқдори ҳар бир аъзо учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17,6 бараваридан ошмаслиги керак. Яъни Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига бир йилда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,4 баравари миқдорида мукофотлар тўланиши мумкин. Бунда Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ мукофотлар қуйидаги тартибда тўланади:

- ҳар молиявий чорак тугагандан кейинги ойнинг 15 санасигача Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдорида тўланади;

- қолган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 30,4 баравари миқдоридаги сумма молиявий якунига кўра мустақил ташкилот томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қониқарли деб тан олинганда ва Жамият Бизнес режасининг йиллик соф фойдаси бажарилганда Акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан тўланади.

4.3. Мазкур Низомга мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот тўғрисидаги маълумотлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан белгиланган тартибда ошқор қилинади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ МИҚДОРИ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Низомнинг 4.2.-бандида белгиланган мукофот тўлаш миқдори Кузатув кенгашининг айрим аъзоларига нисбатан Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан қуйидаги асослар бўйича камайтирилиши (шу жумладан нол миқдоригача) мумкин:

- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгашининг мажлисларининг 50 фоизидан кўпида иштирок этиб, лекин барчасида (100 фоиз) иштирок этмаган бўлса, мукофот миқдори 25 фоизга камайтирилади;

- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисларининг 50 фоизидан кўпроғида қатнашмаган бўлса, мукофот тўланмайди;

Шу билан бирга, Кузатув кенгашининг мажлислари бевосита иштирок этиш ёки сиртдан мажлислар ўқизиш йўли билан, шунингдек видеоконференс алоқа ва телефон алоқаси орқали ўтказилиши мумкин.

5.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланган тақдирда мукофот ҳар бир Кузатув кенгаши аъзосига ўз вазифасини бажарган муддат учун мутаносиб равишда, уларнинг Кузатув кенгаши мажлисларидаги иштирокидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

5.3. Мазкур Низомнинг 4.2.-бандида белгиланган мукофот тўлаш миқдори Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан, Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келган бошқа сабабларга кўра ёки Кузатув кенгашининг айрим аъзоларининг айби билан қонунчиликни бузилиши ҳолатлари вужудга келса ҳам камайтирилиши (шу жумладан нол миқдоригача) мумкин.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига бир йилда Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,4 баравари миқдорида мукофотлар тўланиши мумкин. Бунда Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ мукофотлар қуйидаги тартибда тўланади:

- ҳар молиявий чорак тугагандан сўнг кейинги ойнинг 15 санасигача Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдорида тўланади;

- қолган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 30,4 баравари миқдоридаги сумма молиявий йил якунига кўра мустақил ташкилот томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қониқарли деб тан олинганда ва Жамият молиявий йилни соф фойда билан якунлаганда, Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи тасдиқланганидан кейин 30 кун ичида тўланади.

5.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўловлари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда солиқ солишни ҳисобга олган ҳолда тегишли маблағларни уларнинг шахсий ҳисобварақларига ёки уларга ҳизмат кўрсатувчи банкларда очилган пластик карточкаларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5.6. Кузатув кенгаши аъзоларининг реквизиитлари уларнинг аризасига кўра белгиланади.

5.7. Жамиятнинг акциядор билан корпоратив муносабатларга масъул бўлган таркибий бўлинмаси Кузатув кенгаши аъзоларнинг мажлисларида иштирок этиши ҳисобини юритади ва Жамиятнинг бухгалтерия бўлимига Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш учун маълумотларни тақдим этади.

5.8. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамиятнинг ижроия органи раҳбари номига мукофот олишни рад этиш тўғрисида ариза юбориш орқали ушбу Низомда назарда тутилган мукофотни тўлиқ ёки қисман олишдан бош тортиши мумкин.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА МУКОФОТ ТЎЛОВЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

6.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотларни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Низом Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради ва ўз кучини йўқотгунча ёки бекор қилингунга қадар (бекор қилинмагунча) амал қилади.

7.2. Мазкур Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.3. Агар ушбу Низомнинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва (ёки) Жамият Уставига зид бўлса, улар ўз кучини йўқотади, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва (ёки) Жамият Уставининг тегишли нормалари эса қўлланилади. Низомнинг айрим нормаларининг ҳақиқий эмаслиги ушбу Низомнинг бошқа нормалари ва умуман Низомнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.